2016 ЙИЛ 5 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми


Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 71 (13.134)

Баҳоси эркин нархда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИГА ЭЪТИБОР

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳар қачонгидан кўпроқ эътибор берилмоқда. Буни ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда соҳанинг улуши йилдан йилга ошиб бораётганида кўриш мумкин. Бозор иқтисодиёти ишбилармонлардан сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни тақозо этади.



Бектемир туманида фаолият олиб бораётган "BUMA" масъулияти чекланган жамиятида уйрўзғор учун керакли бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корхона раҳбари Бобур Нодирхоновнинг таъкидлашича, дастлаб 8-10 киши билан иш бошланган, ўша пайтда фақатгина бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган. Тайёр маҳсулот учун зарур бўлган қопқоқ ҳам четдан сотиб олинар эди. Тадбиркор иш бошлагандан кейин ўз устида ишлайди, тежамкорликка интилади, муассислар ва ҳамкорлар билан маслаҳатлашиб, "қопқоқни ўзимиз ишлаб чиқарсак", деган фикрда Хитой давлатидан термопласт ускунасини олиб келиб ўрнатилади. Аввалига битта, иккита, учта, ҳозир олтита ана шундай ускуна наф бераяпти, шу тариқа маҳсулот ишлаб чиқариш қуввати ошиб унинг таннархи ҳам анча арзонлашди. Яқин ойларда яна учта шундай ускуна олиб келиб ўрнатишга буюртма берилган.

Шунингдек, корхона таъсисчилари маҳсулотни қадоқлаш жараёнини янада ихчамлаштириш мақсадида маҳсулотни ёрлиқ билан таъминлайдиган линияни олиб келиб ўрнатишди, айни пайтда монтаж ишлари олиб борилаяпти.

— Бугун мамлакатимизда тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишга берилаётган эътибордан жуда ҳам мамнунмиз, — дейди корхона раҳбари Б. Нодирхонов, — бундан илҳомланиб, янги-янги лойиҳалар устида иш олиб бораяпмиз. Биргина ўтган йилнинг ўзида янги 3 турдаги маҳсулот ишлаб чиқардик, улар жаҳон стандартлари талабларига тўла мос келади, хориж билан бемалол рақобатлаша олади. Буни ишонч билан айта оламан. Маҳсулотимиз сифати четдан келтирилаётган товарлардан юқори бўлса юқорики, асло кам эмас. Мен сизга айтсам, бугунги кунгача 112 турдаги маҳсулотни ўзлаштирдик, ўз савдо брендимизга эгамиз. Айни пайтда замонавий флаконда идиш-товоқ ювувчи "капля люкс" маркали маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Бизнинг маҳсулотларни сотиб олган харидорлар, айниқса уй бекалари мамнун бўлишмоқда, шу ҳақда айтишганда, очиғи кўнглимиз тоғдек кўтарилади.

Айни пайтда мазкур корхонада юзга яқин ишчилар меҳнат қилишаяпти. Уларнинг 40 фоизини касб-ҳунар коллежларини битириб келган йигит-қизлар ташкил этиб, улар учун зарур шароитлар яратиб берилган. Айни пайтда ишчилар томонидан бир суткада 24 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Биргина ўтган 2015 йилда 8,9 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди, бу 2014 йилга нисбатан 1,5 баравар кўпдир.

Корхона маъмурияти ҳудудни ободонлаштиришга катта эътибор қаратгани боис ўтган йили 112 та дарахт экилди, 50 сотих жой газонлаштирилди. Бугунги кунда асосий мақсад янги технологик линияларни ишга тушириб, ишлаб чиқариш қувватини ошириш, четга маҳсулот экспорт қилиш, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли фаровонлигини оширишдир.

З. ШАРИФЖОНОВ
И. Исмоилов олган суратлар

ЭКСПОРТ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги томонидан озиқ-овқат саноатида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бугунги натижалари ва истиқболларига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлолнинг илк йилларидан иқтисодий мустақилликка эришиш, жумладан, озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ва арзонлигини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган қайд этилди.

Бунинг самарасида мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳар йили ўртача 10-15 фоиз ўсмоқда. Хусусан, сўнгги беш йилда мева-сабзавот ва узум етиштириш 1,27 бараварга, гўшт маҳсулотлари 1,24, сут маҳсулотлари 1,33 бараварга ошди. Бозорларимизда уч юзга яқин янги маҳсулот пайдо бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2016 йил 5 мартдаги 2016-2020 йилларда озиқ-овқат маҳсулотлари хомашё базасини, мева-сабзавот ва гўшт-сут маҳсулотларини чуқур қайта ишлашни янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмларини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори билан тасдиқланган дастурда соҳа истиқболлари белгилаб берилган.

Унга мувофиқ, 2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигида озиқ-овқат хомашёси ишлаб чиқариш ўртача 1,3 бараварга кўпаяди. Маҳсулотлар етиштириш ҳажмининг ўсиши озиқ-овқат саноати корхоналарини жадал ривожлантиришда кўл келади. Мисол учун, мева-сабзавотларни қайта ишлашни 17 фоиздан 25 фоизга, гўшт-сут маҳсулотларини қайта ишлашни 12 фоиздан 23 фоизга ошириш мўлжалланмоқда.

– Озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозори талаблари даражасида тайёрлаш учун корхоналарга замонавий технологиялар, сифатни бошқаришнинг янги стандартлари жорий этилади, – дейди ЎзА мухбирига Иқтисодиёт вазирлигининг қайта ишлаш саноати ва озиқ-овқат маҳсулотлари бўлими бошлиғи Шаҳобиддин Ортиқов. – Йиллик қуввати 60 минг тонна бўлган савдо логистика марказлари ташкил этиш режалаштирилмоқда. Ярим тайёр ва тайёр маҳсулотлар, идишлар, қадоқлаш материаллари ишлаб чиқарувчи янги корхоналар ташкил этиш учун 180 дан ортиқ манзилли инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Озиқ-овқат маҳсулотларини вакуум усулида халқаро талаблар даражасидаги шиша идишларда қадоқлаш усули кенгайтирилади.

Анжуманда инвесторлар билан ҳамкорликда замонавий агротехнологияларни жалб қилиш, мева-сабзавот ва узум ҳосилдорлигини ошириш, ички бозорни йил давомида мева-сабзавот билан барқарор таъминлаш, экспорт кўламини кенгайтириш борасидаги чора-тадбирлар ҳақида сўз юритилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Сайёра ШОЕВА

ИНВЕСТИЦИЯЛАР — НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИГА

Миллий матбуот марказида нефть-газ саноатида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан ташкил этилди.

Миллий иқтисодиётимиз тараққиётида муҳим тармоқлардан бири бўлган Ўзбекистон нефть-газ саноати хорижий давлат ва компаниялар билан ҳамкорлик қилиш учун самарали майдон сифатида ҳам хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда жаҳондаги етакчи инвесторлар иштирокида ўнлаб юқори технологик лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир. Президентимизнинг 2015 йил 4 мартдаги "2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлмоқда.

"Нефтегазинвест" компанияси раисининг ўринбосари Рустам Тўлагановнинг сўзларига кўра, мазкур ҳужжатга мувофиқ, нефть-газ ва нефть-кимё саноатида табиий газ ҳамда газ конденсатини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турини кенгайтириш режалаштирилмоқда. Масалан, жорий йилда умумий қиймати 20,6 миллиард долларлик 38 инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилаётир.

Қандим конлар гуруҳини ўзлаштириш ва замонавий газни қайта ишлаш заводи барпо этиш, Қўнғирот участкасида маҳсулотни тақсимлаш шартномаси асосида геология-қидирув ишларини ўтказиш, табиий газдан олефинлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва полимерлар олиш (полиэтилен, полипропилен), Шарқий Бердах ва Шимолий Бердах конларини жиҳозлаш ва сиқув компрессор станцияси қуриш ва бошқа лойиҳалар нефть-газ саноатидаги йирик инвестиция лойиҳалари сирасига киради.

Шуни қайд этиш керакки, ушбу лойиҳалар "Лукойл Оверсиз Лтд.", "Газпром", "Петромаруз" (Россия), "Самсунг Инжиниринг", "ЭнКей", "ЖиЭс Инжиниринг", "КейДиНавиен", "ХюндайБиЭс энд Си" (Жанубий Корея), "СиЭнПиСи", "СиНоуДиСи", "Шангдон Керуи Петролеум Эквипмент" (Хитой), "Сасол" (ЖАР) каби ва жаҳондаги бошқа етакчи компаниялар иштирокида ҳаётга татбиқ этилади.

Матбуот анжуманида журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб қайтарилди.

М.МАМЕТОВА,
ЎзА мухбири

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси томонидан Фарғона ва Қўқон шаҳарларида "Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг ташкилий-ҳуқуқий асослари" мавзусида семинар ўтказилди.

● Фарғонада тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш масаласига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Семинарда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш борасидаги ишлар, жорий этилаётган янгилик ва ўзгаришлар, тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

● Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида Германия Халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) томонидан ташкил этилган намунавий интенсив боғнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбир доирасида соҳа мутахассислари ва фермерлар янги интенсив боғда парваришланаётган кўчатларнинг ривожланиши, уларга ишлов бериш ва зараркунандаларга қарши курашиш усуллари билан танишди, ўзаро тажриба алмашди.

● Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, вилоят ҳокимлиги, вилоят ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази ҳамкорлигида ташкил этилган ярмаркада ҳудуддаги илмий-ишлаб чиқариш марказлари, олий ўқув юртлари, "Жиззах" махсус индустриал зонасидаги корхоналар томонидан 100 дан ортиқ инновацион технология ва ишланмалар намойиш этилди.

ЖАҲОНДА

● Жанубий Кореяда парранда гриппи тарқалишининг олдини олиш мақсадида 10,9 мингта ўрдак ўлдирилган. Мамлакат қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан маълум қилинишича, ўтказилган текширувлар ўрдакларда юқори патогенлик парранда гриппи борлигини кўрсатган. Қушлар йўқ қилингач, ўрдак етиштирувчи хўжалик вируснинг тарқалишига барҳам бериш мақсадида карантинга олинган.

● Дунёда ягона нусхадаги "Бэтмобиль" автомобили Россияда сотувга қўйилди. "Бэтмен Суперменга қарши: Адолат тонгида" фильмининг бош қаҳрамони учун тайёрланган бу автомобилга 1 миллион евро нарх белгиланган. Мазкур автомобиль General Motors томонидан Warner Bros кинокомпанияси буюртмасига кўра тайёрланган бўлиб, соатига 250-330 километр тезликда ҳаракатлана олади.

● Ringly компанияси томонидан инсоннинг жисмоний фаоллигини назорат қилувчи билакузук яратилди. Замонавий ахборот-коммуникация ютуқларини ўзида уйғунлаштирган мазкур тақинчоқ қадамлар сони, босиб ўтилган масофа, сарфланган калорияни ҳисоблаб, тегишли тавсиялар беради. У бир марта қувват олганидан сўнг 24-28 соат давомида ишлайди.

ДЕПУТАТ: БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Бугунги кунда йирик аҳоли ҳудудларида кўкаламзорлаштириш ишларини илмий асосланган режа асосида ташкил этиш шаҳарсозликнинг асосий шартларидан бири сифатида муҳим аҳамият касб этади. Кўкаламзорлаштириш кўлами эса ўз навбатида аҳолининг, миллатнинг яшаш маданиятидан далолат беради.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШДА ЎСИМЛИК ДУНЁСИНИНГ АҲАМИЯТИ

"Яшил қурилиш" – шаҳарсозликни белгиланган архитектура-қурилиш меъёрлари ҳамда санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ кўкаламзорлаштириш ишлари билан уйғунликда олиб бориш жараёни бўлиб, бунда бир қанча масалаларга ижодкорона ҳолда ёндошиш талаб этилади. "Яшил қурилиш" ҳар хил тупроқ-иқлим шароитига мос равишда боғ ва хиёбонларни яратиш, архитектура-қурилиш иншоотлари, сув ҳавзалари, йўллар, майдончалар, ландшафтларга мос равишда ўсимлик турларини оптималлаштириш ва гуруҳлаш ҳамда уларни экиб парвариш қилиш ишларини ўз ичига олади. Шаҳарсозликда кўкаламзорлаштириш масалаларини малакали равишда ҳал этиш учун мутахассислар қурилиш, биология, экология, агротехнология, яшил экинзорларни лойиҳалаш, уларни яхши ҳолатда сақлаш учун олиб бориладиган асосий ишлар кўлами бўйича чуқур илмий ва амалий билимга эга бўлишлари лозим бўлади.

Яшил дарахтзорлар атмосфера ҳавосини кислород билан бойитиш ва заҳарли газлардан тозалашнинг ягона воситаси сифатида экотизим барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Ботаник олимларнинг маълумотларига кўра, фотосинтез жараёнида бир гектар ердаги яшил экинзорлар 200 нафар одамнинг нафас олишига етарли бўлган кислородни ишлаб чиқариш билан бир қаторда, бир соат мобайнида ҳаводаги 8 кг. карбонат ангидридни ўзлаштиради. Бошқача айтганда, шаҳарда бир инсон нафас олиши учун зарур бўлган мўътадил ҳаво таркибини 50 м² майдондаги яшил экинзорлар таъминлаб беради. Лекин, атмосферада карбонат ангидридининг аксарият қисми тарқалиб кетади ва кўп бўлмаган қисмигина яшил экинзорлар томонидан ўзлаштирилади. Дарахт ва бута турларининг газ-ҳаво алмашинувидаги роли бир хил эмас. Агар оддий арча дарахтининг ҳавони тозалаш самарасини 100% деб олсак, унда қарағай 164%, йирик баргли жўкада 254%, эманда 450%, берлин терагида 691% ни ташкил қилади.

Тошкент шаҳри мустақиллик йилларида Президентимиз Ислом Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида замонавий, юксак маданият ва бой коммуникация имкониятига эга, гўзал, экологик жиҳатдан тоза, кишилар истиқомат қилиши учун ҳар тарафлама қулай бир мегаполис шаҳарга айланди. Мегаполис шароитида транспорт ва ишлаб чиқаришнинг кескин ривожланиши, қурилиш ҳамда йўл коммуникацияларнинг кенгайиши табиий равишда шаҳарнинг яшиллик оламига ўзининг антропоген таъсирини кўрсатади. Бироқ, келажакни кўзлаб кўкаламзорлаштириш уйғунлигида ишлаб чиқилган шаҳарнинг бош меъморчилик режасининг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда пойтахтнинг кўкаламзорлаштириш даражаси Москва, Санкт-Петербург, Пекин, Сиэтл каби шаҳарларга нисбатан юқорилигича қолмоқда.

Бундан чорак аср олдин, яъни 1990 йилнинг 20 январида Юртбошимиз Тошкент шаҳри фаоллари билан ўтказилган учрашувларидаги сўзларида "...Тошкентнинг шуҳратини оширишимиз, ҳар бир хонадон ва ҳар бир маҳаллада, ҳар бир корхона ва ташкилотда, катта ва кичик ҳар бир кўчада тартиб ўрнатишимиз лозим. Хуллас, Тошкентни юксак маданият шаҳрига айлантиришимиз керак, замондошларимизгина эмас, фарзандларимиз ва набираларимиз ҳам у билан ҳақли равишда фахрланадиган бўлсинлар. Ҳозир ҳам биз кўҳна Тошкент билан, унинг тарихи, маданияти билан, унинг ажойиб ўтмиши билан фахрланамиз", – деб таъкидлаб ўтган эдилар. Бугун англаб етишимиз керакки, Тошкент шаҳрини дунёнинг энг гўзал пойтахтларидан бирига айлантириш ҳаракати аслида ўша йиллардан бошланган эди.

Мустақиллик йилларида бетон ва асфальт кенгликлар ўрнида ям-яшил майдонлар барпо этилди. Майдон атрофидаги майсазорлар узра турли мамлакатлардан келтирилган камёб дарахтлар, буталар ва гуллар пойтахтимиз майдонлари кўркига кўрк бағишлаб туриш билан бир вақтда, шаҳар иқлимини мўътадил сақлашга хизмат қилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ўрнатган меъёрлар бўйича шаҳарлар ҳудудининг камида 15 – 20 фоизи кўкаламзор ерлардан иборат бўлиши керак. Шунда аҳолининг тоза нафас олиши, мўътадил иқлимни сақлаб туриш мумкин бўлади.

Бугун Тошкентнинг 15200 га. майдони яшилликдан иборат. Шаҳар ҳудудида майдони 66,0 га. майдонни эгаллаган Ботаника боғи ва умумий майдони 158,4 гектарни ташкил этган 18 та маданият ва истироҳат боғлари фаолият олиб бормоқда. Яшил ҳудудлар шаҳар умумий майдонининг 30 фоизини ташкил этади. Демак, пойтахтимиз бу жиҳатдан амалдаги меъёрларга нисбатан қарийб икки баробар кўп кўкаламзорлаштирилган ҳудудга эгалиги билан ажралиб туради.

Бугунги кунда пойтахтнинг кўркам бўлишида манзарали дарахт ва буталарнинг ўрни беқиёсдир. Тошкент шаҳрида ажойиб композицияга эга бўлган кўркам маданият ва истироҳат боғлари, сайилгоҳлар барпо этишда манзарали дарахт ва бута турларини тўғри танлаш, оптималлаштириш, манзарали дарахтларни ҳудудлар бўйича тарқалиши, уларни экиш схемаларини ўрганиш, айниқса, аҳоли саломатлигига ижобий таъсир этувчи ўсимлик турларини танлашга алоҳида аҳамият берилди. Шу билан бирга-ликда аҳоли саломатлигига салбий таъсир этувчи, аллергик ҳолатларга ҳамда хазонрезгилиги бўйича узоқ вақт ҳудуднинг ифлосланишига ва ёнғинга сабаб бўлувчи дарахт турлари ўрнига кўп миқдорда кислород ажратувчи дарахт ва буталар билан биргаликда экзотик флора турлари режали равишда босқичма-босқич алмаштирилиб борилмоқда.

Ҳозирги вақтда пойтахтимизда дарахт ва буталарнинг 220 дан ортиқ тури парваришланмоқда. Шаҳар шароитида экишга мос бўлган, чидамли, кўп йиллик, соябоп ва манзарали дарахтлардан япон сафораси, лола дарахти, жўка, сохта каштан, каталпа, эман, заранг, четан, граб каби бир неча турларини экишга алоҳида эътибор қаратилган. Бугунги кунда хиёбонларга экилган Канада қора қарағайи, Қрим қарағайи, виргин арчаси, туя каби нинабаргли дарахтлар йилнинг ҳар фаслида ҳам шаҳарга яшиллик манзарасини намоён этмоқда.

Шаҳар майдонларини безатишда, уларга чирой ва кўрк беришда ёркин рангларда гуллайдиган бута ўсимликлар — Сурия атиргули, тобулғи, учқат, жасмин, настарин, дейция, ирғайнинг манзарали турлари, форзициялар, бирючина, сариқ акация, зарғалдоқ, смородина ва бошқаларнинг аҳамияти беқиёс бўлди. Ушбу ва кўпгина буталарнинг бебаҳо сифати шундаки, улар нафақат тез ўсувчи ва шаҳарнинг ўзига хос экологик шароитларига мослашувчанлиги билан, балки жуда манзаралилиги билан аҳамият касб этади.

Умуман олганда, мустақиллик йилларида пойтахтимиз — Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш, шу орқали атроф-муҳит муссаффолиги, иқлим мўътадиллигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу йўналишдаги ишлар режали равишда давом эттирилмоқда. Эътироф этиш жоизки, 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли "Экономист" журнали бўлинмаси — Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида 58 - ўриндан жой олган. Бу эса пойтахтимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари, аҳоли учун яратилаётган шарт-шароит ва қулайликлар халқимизнинг азалий маданиятининг намойишидир.

И.ХУШВАҚТОВ,
Х.ГАППОРОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари,
Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзолари

АСКАРЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Тошкент гарнизони ҳарбий қисмларининг бирида аскарларнинг ҳарбий қасамёд қабул қилишига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва яқинлари иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Олий Бош қўмондони Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимиз Қуролли Кучлари тизимида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилгани таъкидланди. Бунинг самарасида юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашга қодир замонавий миллий армиямиз шакллантирилди.

– Кенжа ўғлим Исмоил доим акаларидан ўрнак олган, – дейди самарқандлик Бекбўта Мамиров. – Икки ўғлим муддатли ҳарбий хизматдан сўнг Қуролли Кучларимиз сафларида хизматни давом эттирмоқда. Бугун кенжа ўғлим ўз дўстлари билан ҳарбий қасамёд қабул қилганидан жуда фахрландим. У муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлгач, Тошкент Олий умумқўшин қўмондонлик билим юртига ўқишга кириш ва армия сафига юқори малакали мутахассис бўлиб қайтишни мақсад қилган.

МАЛАКАЛИ ҲАЙДОВЧИЛАР ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида транспорт соҳаси, жумладан, шаҳар жамоат транспортини янада такомиллаштириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳрида кунига қарийб 1,3 миллион киши жамоат транспортидан фойдаланади. Йўловчилар хавфсизлиги, манзилга соғ-саломат етиб олиши кўп жиҳатдан ҳайдовчилар малакаси ва кўникмасига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 31 декабрдаги "Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини бериш, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тартибини такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги 2006 йил 2 августдаги 156-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қарорига мувофиқ, шаҳар жамоат транспорти ҳайдовчиларини тайёрлаш тизими такомиллаштирилди ва янги талаблар ишлаб чиқилди.

Эндиликда бошқа тоифадаги ҳайдовчилик гувоҳномасига эга ва кейинги уч йил давомида транспорт воситаларини бошқарган ҳайдовчиларга "D" тоифаси учун қайта тайёрланиш ва имтиҳон топширишга рухсат берилади.

"Тошшаҳартрансхизмат" акциядорлик компанияси-нинг "Ўқув-ишлаб чиқариш маркази" масъулияти чекланган жамияти жамоат транспорти ҳайдовчиларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланадиган етакчи давлат таълим муассасаларидан биридир.

– Айни пайтда "В", "ВС" ва "D" тоифалари бўйича барча турдаги транспорт воситалари учун юқори малакали ҳайдовчилар тайёрлаяпмиз, – дейди ушбу жамият директори Аброр Йўлдошев. – Марказимизда ўтган 14 йил мобайнида 2,6 минг автобус ҳайдовчиси тайёрланди.

Ўқув марказида ҳайдовчиларни замонавий ўқитиш учун барча шароит яратилган. Ўқув хоналари стенд ва макетлар билан жиҳозланган. Махсус компьютер дастурлари ва видеороликлар шаҳар кўчаларида дуч келиш мумкин бўлган турли вазиятларни моделлаштириш имконини беради. Бундан ташқари, лаборатория амалий машғулотлари автокорхоналар базасида ўтказилади.

Шаҳар жамоат транспорти ҳайдовчиларини тайёрлаш ҳаваскор ҳайдовчиларни ўқитишдан сезиларли фарқ қилади. Чунки улар кўплаб инсонлар ҳаёти ва саломатлиги учун масъул. Тайёрлов дастурига транспортни профессионал бошқариш, автомобиль тузилиши, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, хизмат кўрсатиш маданияти, йўловчилар билан муомала қилиш асослари каби фанлар киритилган. Жамоат транспорти ҳайдовчилари кундалик кучли жисмоний ва руҳий зўриқишга дуч келиши боис, улар тўғри овқатланиш ва жисмоний тарбия принциплари, стрессдан чиқиш усулларини ўзлаштириши зарур.

– Бир неча йилдан буён 2-автокорхонада чипта сотувчи бўлиб ишлайман, – дейди Муроджон Абдураимов. – Шу боис, жамоат транспорти ҳайдовчиси касбининг мураккаб ва масъулиятли эканини яхши биламан. Чунки ҳар бир ҳайдовчи руҳий зўриқишга қарамасдан, йўловчилар билан хушмуомала бўлиши керак. Марказда таҳсилни тугатгач, автобус ҳайдовчиси бўлиб ишлайман.

Шаҳар инфратузилмасининг муҳим таркибий қисми бўлган жамоат транспорти ҳолати ва уни ривожлантириш жамият ҳаётининг маданий ҳамда иқтисодий кўрсаткичи ҳисобланади. Шаҳар жамоат транспорти ходимлари ва йўловчилар муомала маданиятини юксалтирмасдан транспорт инфратузилмасини янада ривожлантириб бўлмайди.

Р.БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти органларининг очиқлигини таъминлаш, аҳолининг юртимизда амалга оширилаётган кенг қамровли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлардан хабардорлигини ошириш, турмуш фаровонлигини юксалтириш мақсадида охирги йилларда миллий қонунчилигимизга бир қатор ўзгартишлар киритилди.

Муносабат

ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИ

Бош Қомусимиз ҳисобланган Конституциянинг 103-моддасига киритилган тузатишни амалга ошириш, шунингдек, ҳокимлар томонидан ҳисоботлар тақдим этилишида такрорийликни истисно этиш мақсадида "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига киритилган 25¹-моддаси бу жараёндаги ҳаракатларни янги босқичга кўтаришда муҳим қадам бўлди.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда жамият ҳаётининг барча соҳаларини чуқур демократик ислоҳ қилиш, эркинлаштириш жараёнида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундай шароитда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш устувор аҳамият касб этади. Ҳокимият барча шахслар учун очиқ бўлиши, улар билан икки томонлама алоқа воситаларига эга бўлиши, мавжуд муаммоларни тўғри ва холис баҳолай олиши ҳамда унга ечим топиши муҳим ҳисобланади. Ана шундагина биз адолатли, эркин демократик жамият қура оламиз, аҳолининг барча қатламларини мамлакатимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар жараёнига кенг жалб этамиз.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўнинчи сессиясида шаҳар ҳокимининг "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ижроси юзасидан шаҳарнинг 2015 йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган ижтимоий-иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ҳисоботи иқтисодиётимиздаги, хусусан саноатдаги чуқур таркибий ўзгаришларни давом эттириш, хусусий мулкчилик, тадбиркорлик ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва макроиқтисодий мувозанатни таъминлашга қаратилгани депутатлар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Чунки, биз фаолиятимизни бевосита халқ билан, маҳаллалар ва кенг жамоатчилик орасида олиб борамиз. Шу боис, уларни юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлардан ўз вақтида хабардор қилиб бориш, қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни ҳокимият вакиллари иштирокида ечим топишига эришиш муҳим вазифамиз ҳисобланади.

Тошкент шаҳар ҳокими кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, унинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улушини кўпайтириш, юзага келаётган муаммоларни ҳал этиш борасида барча имкониятларни жалб этган ҳолда ҳар томонлама кўмаклашиш чораларини кўриш, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини ривожлантиришни таъминлаш, бунда ижтимоий соҳа объектларини янгидан қурилиши, капитал реконструкция қилиниши, шаҳарни ободонлаштириш бўйича кўрилаётган чораларни қатъий назорат қилиш муҳим эканлигини таъкидлади. Албатта, мазкур жараёнда биз депутатлар ҳам бирдек масъулият билан ёндашишимиз лозим. Чунки, шаҳримизда олиб борилган фаолиятлар танқидий-таҳлилий рухда кўриб чиқилгани ҳам бунинг яққол мисолидир. 2020 йилгача бўлган даврда Тошкент шаҳрида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳудудий дастури мақсадли кўрсаткичлари ижроси юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш, бунда бозорни янги замонавий хизмат кўрсатиш турлари билан тўлдириш ҳамда кўрсатилаётган хизматлар сифатини ошириш борасида, табиийки халқ вакилларининг ҳам ҳиссаси катта бўлади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, депутатлар ҳисоботни шунчаки ахборот сифатида қабул қилмасдан, балки уни жойларда, сайловчилар билан учрашувларда муҳокама қилиши, эришилган ютуқлар баробарида мавжуд камчиликларни ўрганиши, халқимизни олиб борилаётган ислоҳотлардан янада тўлиқ хабардор қилиб боришга кўмаклашиши лозим.

Ҳисоботда ёшлар сиёсати масаласи ҳам айни устувор вазифа сифатида таъкидланди. Чунки, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш, уларни муайян, ўзлари қизиқкан касбга йўналтириш барчамизнинг бурчимиздир. Эътироф этиш жоиз, 2015 йилда Бандлик дастурига асосан Тошкент шаҳрида 93,5 мингта янги иш ўринлари яратилган бўлса, шундан 59,5 мингтаси кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Жорий йилда ҳам бу вазифалар изчил давом эттирилиб, режага мувофиқ шаҳарда 95828 та иш ўринлари ташкил этиш белгиланган.

Иш ўринларининг асосий қисми мақсадли дастурларга мувофиқ тижорат банкларининг кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш учун ажратиладиган кредитлари ҳисобига, якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш, касаначиликнинг барча шаклларини ташкил этиш ҳисобига яратилмоқда.

2016-2018 йилларда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан қиймати 683,1 млн. долларга тенг бўлган жами 1015 та лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда ушбу лойиҳалар ижроси натижасида қўшимча 22,6 мингта доимий иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш кўзда тутилмоқда. Бу борада бажарилиши лозим бўлган ишларга шубҳасиз бизнинг ҳам диққат-эътиборимиз қаратилади. Чунки, фаолиятимизнинг асоси, албатта ёшлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган экан, бу йўлда барча чора-тадбирлар ижросини таъминлашга муносиб ҳисса қўшамиз.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бундай таҳлилий-танқидий руҳдаги ҳисоботлари барчамизни ўз ишимизга сидқидилдан ёндашиб, шу халқ ва миллат келажаги учун масъулият билан ишлашимизни тақозо этади.

Муроджон ЗУФАРОВ,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгаши депутати

ГАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Пойтахтимизда "Миллий тикланиш" демократик партияси марказий кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда партия олдида турган вазифалар кўриб чиқилди.

Партия марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари С.Отамуродов ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётгани, ёшлар миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида камол топаётганини таъкидлади.

"Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам бу борадаги ишларга ўз ҳиссасини қўшмоқда. 2015 йилда 832 деҳутатлик назорати амалга оширилиб, олти юздан зиёд мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланган. Партия электорати манфаатларига доир 295 таклиф халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар йиғилишлари, 70 ташаббус Кенгашлар сессиялари кун тартибига киритилиб, тегишли қарорлар қабул қилинган.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида белгиланган вазифалар партия зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Йиғилишда партиянинг Соғлом она ва бола йилидаги режалари кўриб чиқилди. Аёлларга ва болаларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш, бу борада жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш, ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича партия ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Г.САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

ОИЛАВИЙ АНЪАНА ВА ҚАДРИЯТЛАР ДОИМ ЭЪТИБОРДА

Тошкент архитектура-қурилиш институтида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Соғлом она ва бола йили муносабати билан ўтказилган семинар ана шундай номланди.

Унда партиянинг "Истиқбол" ёшлар қаноти фаоллари, пойтахтимиздаги ФҲДЁ бўлими мудиралари, тиббиёт ходимлари, педагоглар, ўқувчи ва талабалар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва мустақил фикрга эга, юксак интеллектуал салоҳиятли авлодни вояга етказиш, соғлом оилаларни бунёд этиш, оилавий анъана ва қадриятларни асраб-авайлаш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Оилалар мустаҳкамлигини таъминлашда ёшлар маънавиятини юксалтириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш муҳим ўрин тутади. Семинарда айни шу жиҳатларга эътибор қаратилди.

– Никоҳни қайд этиш жараёнида ҳар хил феъл-атворли ёшлар билан ишлашга тўғри келади, – дейди ЎзА мухбирига Юнусобод тумани 2-"Шодлик" никоҳ уйи мудираси Раъно Қорабоева. – Бунда уларнинг ёши, дунёқараши, фикрлашига қараб маслаҳатлар берамиз. Ўқимишли, мустақил фикрга эга, бир иш ёки ҳунарнинг бошини тутиб турмуш қуриш учун келган ёшларнинг фикрлаши бошқа тенгдошларинникидан анча фарқ қилади. Улар ҳар томонлама оила қуришга тайёр бўлади.

Семинарда эрта никоҳнинг бўлажак оналар ва келажак авлод саломатлигига салбий таъсири, юртимизда оила муносабатлари, унинг давлат муҳофазасида экани, оила қуриш ва ажрим масалалари, профилактика қилинмаган турли касалликларнинг оқибатлари хусусида фикрлашилди.

Б.МЕЛИҚУЛОВА

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида ёшларни турли маънавий таҳдидлар ва ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

ЁШЛАРНИ ГЛОБАЛ ТАҲДИДЛАРДАН АСРАЙЛИК

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" ижтимоий лойиҳаси доирасида ташкил этилган тадбирда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлодни миллий анъаналар, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни маънавиятимизга ёт зарарли ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Бугунги кунда ёшларнинг маънавияти ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатишга мўлжалланган ахборот-психологик хуружлар ва таҳдидларнинг сони тобора ортиб бормоқда. Интернет оламида кенг учраётган кибержиноят, киберфирибгарликлар жиноятчилар ва жабрдийдаларнинг интернетдан фойдаланиш қоидалари ва маданияти меъёрларига риоя қилмаслиги оқибатида юзага келмоқда.

Интернет тез ва арзон ахборот ёки маълумот олиш, уни етказиш ҳамда қайта ишлаш манбаи эканини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ёшлар эътиборини тортадиган, уларнинг дунёқараши ва тарбиясига ижобий таъсир ўтказадиган сайтларни кўпайтириш зарурлиги қайд этилди.

– Мамлакатимизда ҳар бир шахс интернетдан эркин фойдаланиш имконига эга, – дейди ЎзА мухбирига Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Умиджон Сулаймонов. – Интернетдан фойдаланиш маданиятига риоя этмаган айрим ёшлар уларнинг тузоғига илиниб қолаётир. Партиямиз томонидан ёшларнинг бу борадаги огоҳлигини ошириш, дунёқарашини кенгайтириш, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш мақсадида турли лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Тадбирда "Фитна" ҳужжатли фильми намойиш этилди.

А.ҚИЁСОВА



Ёшлар — келажагимиз

КАСБ СИРЛАРИНИ ПУХТА ЭГАЛЛАМОҚДАЛАР

Яккасарой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида бугунги кунда тўртта йўналишда 530 дан ортиқ ўқувчилар таълим олмоқда.

Ўқув маскани директори Абдураҳим Қосимовнинг таъкидлашича, коллежда 6 минг китоб фондига эга кутубхона, фаоллар ва спорт заллари, 17 та ўқув хонаси, лаборатория, лингафон, информатика хоналари, 110 ўринли фаоллар зали ўқувчилар ихтиёрида. Ёшлар кенг ассортиментдаги тикувчи-модельер конструктори, ошпазлик, меҳмонхона ва ресторан менежери ҳамда бухгалтерия ҳисоби йўналишларида таълим олади. Ошхона лабораториясида миллий, Европа ва дунё таомларини тайёрлаш имкони мавжуд.

Ёшларнинг амалиёт ўташлари учун учта устахона замонавий ускуналар билан жиҳозланган. Яқинда бу ерга 62 миллион сўмликдан ортиқ янги жиҳозлар келтирилди.

— Коллеж ўқувчилари ўртасида турли мавзуларда тадбирлар ўтказиб турамиз, — дейди маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Малика Шералиева. — Бўлажак мутахассисларга ўттиздан ортиқ малакали ўқитувчи ва мураббийлар дарс бериб келади, бир қанча фан ва спорт тўгараклари ишлаб турибди.

Жорий йилда коллежни 125 ўқувчи уч йўналиш бўйича тугатади. Улар билан 4 томонлама шартномалар тузилган. Битирувчилар Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси тизимидаги ошхона ва ресторанларга, тўқимачилик корхоналари ва меҳмонхоналарга амалиёт ўташ учун жўнатилади. 2014-2015 ўқув йилида эса коллежни тамомлаган 91 фоиз ўқувчи иш билан таъминланди.

— Кенг ассортиментдаги тикувчи-модельер конструктори йўналишининг 3-босқичида таълим олмоқдаман, — дейди ўқувчилардан бири Мадина Шокирова. — Ўқишга киришдан олдин тикиш-бичишни билмас эдим, бу ерга келиб касб сирларини пухта ўргандим. Коллежимизда барча шароитлар яратилган, керакли ускуналар бор.

— Енгил кийимларни тикишни ўргандим, устки кийимларни бичиб, безаклар бера бошладик, — дея суҳбатга қўшилди 2-босқич ўқувчиси Мафтуна Тошматова.

Бир сўз билан айтганда, биз ўқувчилар яратилган замонавий шарт-шароитлардан фойдаланган ҳолда коллежда билим ва касб сирларини мустаҳкам эгаллаётганликларининг гувоҳи бўлдик.

Дилмурод ИСМОИЛОВ

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

МЕҲРДАН УНГАН НИҲОЛЛАР

...Икки ойлик чоғида ота-онасидан ажраган Владимир Крейвич Хлебушкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйида таълим-тарбия олди. Билимга чанқоқ бола ёшлигидан фазо илмига, учувчилик касбига қизиқди. Шу соҳадаги тўгаракларда қатнашди. Устозлари Абдурашид Ҳожибоев ва Алишер Усмонов кўмагида техника сирларини ўрганди. Юртимиз ва хорижий мамлакатларда ўтказилган турли кўрик-танловларда иштирок этди.

Владимир мактабни аъло баҳоларга тамомлагач, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети қошидаги академик лицейда билимини мустаҳкамлади. Сўнг шу университетнинг авиация факультети талабаси бўлди.

— Меҳрибонлик уйидаги тарбиячиларим ота-онам, бирга улғайган дўстларим туғишганларим бўлди, – дейди йигирма тўрт баҳорни қаршилаган Владимир. – Бир бола ўз ота-онасидан қанчалик меҳр кўриб воя га етса, мен ҳам Меҳрибонлик уйида ана шундай ғамхўрлик, мурувват ва эътибордан баҳраманд бўлиб улғайдим. Бунинг учун халқимизга, Президентимизга ҳар қанча таъзим қилсам, оз! Икки йил аввал алоҳида уй беришди. Мана, ҳозир университетда шартнома асосида ўқияпман. Контрактим пули ҳам давлат томонидан тўлаб бериляпти. Буларнинг ҳаммаси учун Ватанимиз олдида қарздорман. Келгусида билимим, меҳнатим ва ютуқларим билан менга билдирилган ишончни оқлаш ниятидаман.

...Фотима Аббосова 2013 йил ёзида келинлик либосини кийди. 22-Меҳрибонлик уйи директорининг маънавият ишлари бўйича ўринбосари Хурсаной Холова она бўлиб унинг ёнида турди. Тўй шу маскаННинг ўзида иччам ва батартиб ўтди.

Беш ёшида бахтсиз тасодиф туфайли ота-онасидан айрилган Фотима ва Зуҳра меҳр-оқибатли, бағрикенг инсонларнинг ёрдами, давлатимизнинг чексиз ғамхўрлиги сабаб ҳаётда ўз ўрнини топди. Ўқиб билим олиши, оила қуриши, уйли бўлишида ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланди. Ҳозирги кунда Фотима Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил олмоқда. Зуҳра эса ўзи яшайдиган маҳалладаги тикув цехида чеварлик қилаяпти.

– Ёш авлодга ғамхўр Юртбошимиз, ота-онамиз йўқлигини билдирмаган тарбиячи опаларимиз борлиги учун ёлғизланиб қолмадик, кам бўлмай катта бўлдик, – дейди Фотима. – Барча дўстларимиз, тенгдошларимиз қатори синглим иккимиз ҳам ҳаётда ўз ўрнимизни топдик. Уйли, касб-ҳунарли, ишли бўлдик. Шу даражага етишимизга меҳнати сингган барча инсонлардан чексиз миннатдормиз...

Болаларга алоҳида меҳр-эътибор кўрсатиш, кўнгли ўксикларни қўллаб-қувватлаш халқимизга хос эзгу фазилатлардир. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсат замирида ана шундай эзгу қадриятлар ўз ифодасини топмоқда. Боқувчисини йўқотган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тарбиялаш ҳамда вояга етказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Меҳрибонлик уйларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, тарбияланувчиларнинг соғлом ва билимли бўлиб вояга етиши учун барча шароит яратилмоқда.

Уларнинг кейинги тақдири ҳам давлатимиз эътиборида. Болалар ўзлари хоҳлаган касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртларида таълим олмоқда. Уй-жой билан таъминланаётир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги "Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жойлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада дастуруламал бўлмоқда.

– Мамлакатимиздаги ҳар бир навқирон авлод меҳр ва эътибордан баҳраманд улғаймоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказининг махсус таълим бўлими бошлиғи Азиз Муталиев. – Меҳрибонлик уйларининг 9-синфини тамомлаган ёшлар академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида, ундан кейин эса олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттирмоқда. Ўтган йили Меҳрибонлик уйларида тарбияланган 330 нафар ёш уй-жой билан таъминланди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда.

Мана шундай меҳру мурувват, хайру саховат муҳити туфайли ҳам мамлакатимизда тинчлик-осойишталик барқарор. Миллатидан, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барча учун ижтимоий адолат таъминланган. Бундай юртдан эзгулик, оқибат, қут-барака аримайди. Одамлар ҳаётидан рози бўлиб яшайди.

Гўзал САТТОРОВА,
ЎзА мухбири

ОНА СОҒЛОМ – МИЛЛАТ БАРДАВОМ

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, "Камолот" ЁИҲ шаҳарча Етакчилар Кенгаши, Тошкент давлат техника университети билан ҳамкорликда "Она соғлом – миллат бардавом" мавзуида учрашув ўтказилди.

Учрашувда Олмазор туман "Соғлом авлод учун" хайрия фонди тиббий-ижтимоий марказ мутахассислари, Тошкент давлат техника университети талаба-ёшлари иштирок этди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшларни доимо огоҳ ва сергак бўлишга ўргатиш, соғлом турмуш тарзига риоя этиш, ҳозирда ўта долзарб муаммо бўлиб келаётган ҳомиладор аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш борасидаги тушунтириш ишларини олиб боришдан иборат. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида ҳаётга татбиқ қилинаётган амалий чора-тадбирлар халқаро миқёсда ҳам юксак эътироф этилаётгани барчамиз учун қувонарли ҳолдир.

Бугун давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ташкил этилган ихтисослаштирилган тиббиёт масканлари фаолият юритмоқда. Ушбу тиббиёт масканларида ирсий хасталиклар билан туғилиш, ногиронлик ҳамда юқумли касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болаларга юксак сифатли тиббий хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд. Перинатал марказларда ҳомиладор аёллар ва янги туғилган чақалоқлар саломатлигини асрашга катта эътибор қаратилиб, ҳомиладорлик даврида муайян бир хасталик билан оғриган, муддатидан аввал туғруқ хавфи мавжуд бўлган оналар ҳамда эрта туғилган чақалоқлар парваришланмоқда.

Мамлакатимизда она ва бола скрининги фаолиятининг яхши йўлга қўйилгани, ўз навбатида, хасталикларни эрта аниқлаш имкониятини бермоқда. Халқаро талаб ва андозаларга тўла мос келадиган бундай даволаш муассасалари фаолияти аввало, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва мустаҳкамлашга қаратилганлиги, шунингдек, дилбандларимизни соғлом ва бақувват этиб тарбиялашга хизмат қилаётганлиги билан қадрли.

З.САЪДУЛЛАЕВ,
"Камолот" ЁИҲ "Ёшлик" талабалар шаҳарчаси Етакчилар Кенгаши мутахассиси

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасида "Давлат ёнғин назоратининг энг яхши инспектори" кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

КЎРИК-ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, объектларда ёнғин хавфсизлиги чораларини кучайтириш, инсонларнинг тан жароҳати олиш ва ҳалок бўлишига йўл қўймаслик, ёнғинлар сонини камайтириш ҳамда моддий бойликларни сақлаб қолиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Мазкур танлов соҳа ходимларининг касб маҳоратини ошириш, кўникма ва малакаларини синовдан ўтказиш мақсадида ўтказилиб келинмоқда. Унинг жорий йилгисида иштирокчилар ўқув ёнғин-техник текширувини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасида тавсиялар бериш ва тегишли ҳужжатларни белгиланган қоидаларга мувофиқ расмийлаштириш борасида беллашдилар. Шунингдек, соҳага оид билимларини намойиш этиш учун тест синовларидан ҳам ўтдилар.

Танлов ғолиби деб Наманган вилояти Уйчи тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими катта инспектори Бекзод Назаров топилди. Иккинчи ўринни Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими катта инспектори Раҳимжон Ашуров қўлга киритди. Учинчи ўринга Жиззах вилояти Зомин тумани ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими катта инспектори Маъруф Қурбонов ҳамда Навоий вилояти кон-металлургия комбинати ёнғин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси Зарифжон Ибодуллаев лойиқ кўрилди.

– Танловдаги иштироким ўз билим ва маҳоратимни янада оширишга, бу борада изланиш ва интилишимга катта туртки бўлди, – дейди биринчи ўрин соҳиби Б.Назаров. – Ҳамкасбларимиз билан ёнғин хавфсизлиги тизимида қўлга киритилаётган ютуқлар ва эришилаётган муваффақиятлар борасида тажриба алмашдик. Бу ерда орттирган тажрибамни ўз ҳудудимизда ҳам татбиқ этган ҳолда фуқароларни ва моддий бойликларни ёнғинлардан асрашга ҳаракат қиламиз.

Абдуалим САЛИМОВ

Танловлар

МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ

Республика маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар Юнусобод тумани бўлими томонидан Тошкент телекоммуникация технологиялари касб-ҳунар коллежида "Урф-одат, анъана ва қадрият" шиори остида "Балли, ёшлар" кўрик-танлови ўтказилди.

Тадбирда тумандаги касб-ҳунар коллежлари ва академик лицей ўқувчилари саҳна кўринишлари орқали республикамиздаги барча вилоятларнинг ўзига хос урф-одатлари ва қадриятларини ўзларининг бор маҳоратлари билан намойиш этдилар.

— Мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад ёшларни Ватанимиз, миллий анъана, урф-одатлар, халқ оғзаки ижоди, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва садоқат руҳида тарбиялаш ҳамда улар орасидан иқтидорли тарғиботчиларни излаб топиш ва маҳоратини оширишдан иборатдир, — дейди Республика маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими бош мутахассиси Муаттар Эшбадалова. — Давлатимиз томонидан ёшлар учун яратилиб берилаётган имкониятлар, шарт-шароитларни кенг тарғиб этиш, улардан самарали фойдаланиш масъулиятини оширишимиз керак.

Дарҳақиқат, иқтидорли ижодкор ёшларни рағбатлантириш ҳамда уларнинг ўз салоҳиятларини намоён этишига кўмаклашишимиз зарур.

Ушбу танлов асосан уч босқичдан иборат бўлиб, булар таништирув, Республикамиздаги барча вилоятларнинг миллий урф-одатлари, қадриятлари ва миллий ўйинларини тарғиб этувчи саҳна кўриниши ҳамда халқ оғзаки ижодидан намуналар, лапарлар, халқ куй-қўшиқлари ва миллий рақслар шулар жумласидандир.

Кўрик-танлов давомида иштирокчиларнинг чиқишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди ва тўпланган баллар натижасига кўра Хоразм вилоятининг анъаналарини намойиш этган Тошкент иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи ўқувчилари учинчи ўринни эгаллашган бўлса, Андижон вилоятининг миллий қадриятларини тарғиб этган Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицейи жамоаси иккинчи ўринга лойиқ деб топилди. Сурхондарё вилоятининг ўзига хос урф-одатларию турли хил миллий ўйинларини маромига етказиб саҳна кўриниши тайёрлаган Тошкент педиатрия институти қошидаги академик лицейининг илғор ўқувчилари биринчи ўринга сазовор бўлди ва ғолиб жамоа деб топилди.

Тадбир сўнгида ғолиб жамоаларга ташкилотчилар томонидан диплом ҳамда ўқувчиларнинг маънавий-маърифий бойлигини янада ошириш мақсадида миллий қадриятларимиз акс этган китоблар тақдим этилди.

Зафар НАЗАРОВ

БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ ЙЎЛИДА

Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Тошкент шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида 84-сонли умумтаълим ўрта мактабида фахрийлар, педагоглар, ўқувчилар, маҳалла фаоллари ва ОАВ вакиллари иштирокида "Баркамол авлодни шакллантиришда экологиянинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

Тадбир "ЭКОСАН"нинг Орол муаммолари ва унинг ечими борасида олиб борилаётган ишлари ҳақидаги "Харитага номи кирмаган саҳро", "Электр энергиясини тежанг!" номли ҳужжатли фильмлар намойиши билан бошланди.

Тадбирни очиб берган мактаб директори Абдуфаттоҳ Одилов бугун мактаб боғига экилаётган кўчатларнинг инсон ҳаётига, айниқса, ёш авлод соғлиғига ижобий таъсирини алоҳида таъкидлади. Экологик таълим ва тарбия тизимини ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда унинг мусаффолигини таъминлаш мақсадида, мактабда мунтазам равишда ҳашарлар ташкил этиш удум тусига киргани айтиб ўтди. Ушбу саъй-ҳаракатларни самарали давом эттириш йўлида Ўзбекистон Экологик ҳаракати ва "ЭКОСАН" фонди томонидан тақдим этилган кўчатлар ва "Экологик бурчак" ташкил этиш учун ажратилган адабиётлар, плакатлар учун ташаккур изҳор қилди.

Учрашувда сўзга чиққан мактабнинг биология фани ўқитувчиси Чарос Юнусалиева табиатга ҳар бир инсон кўрсатадиган меҳр, соғлом турмуш тарзининг аҳамияти катта омил эканлигига эътибор қаратди ва Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллигига бағишлаб, "ЭКОСАН" фонди билан ҳамкорликда ўқувчилар ўртасида экология мавзусида реферат (иншо), расмлар кўрик-танловини эълон қилди.

9-синф ўқувчиси "Камолот" ЁИҲ фаоли Муштарий Бахтиёрхўжаева Яккасарой маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг "ЭКОСАН" халқаро жамоат фондининг "Анъаналарни тикла — дарахт эк!" ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг "Ҳар бир ёшдан бир туп кўчат!" акцияларига жавобан мамлакатимиз ёшларига "Мурожаатнома"сини ўқиб берди.

Тадбир иштирокчилари "ЭКОСАН" халқаро жамоат фонди бошқаруви раиси ўринбосари Комилжон Жўраев, Ўзбекистон Экологик ҳаракати Тошкент шаҳар ҳудудий бўлинмаси координатори Азизбек Ботиров, Шайхонтоҳур туман халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими вакили Фурқат Хаитов, "Камолон дарвоза" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Бахтиёр Султоновларнинг чиқишларидан сўнг, "Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллигига 25 туп ниҳол экамиз!" шиори остида, мактаб боғига кўчат экишга отландилар.

Педагоглар Нозима Орифжонова ва Муаззам Яҳёевалар раҳбарлигидаги 4-а-синф ўқувчиларининг бадиий чиқишлари ҳашарга ўзгача файз киритди.

Миркарим МИРСОВУРОВ,
"ЭКОСАН" халқаро жамоат фондининг бўлим бошлиғи

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига "O`zbekiston Respublikasi Tovar-Xomashyo birjasi" АЖнинг 2016 йил 28 мартдаги 05-17/1107-сонли буюртманомасига асосан, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Байтқўрғон ҚФЙ, "Текстильмашевец" БУШ, 31-А, 31-Б уй манзилида жойлашган, ер майдони 0,1284 га. бўлган, ҳожатхона, ҳовуз, хизматчи бино, бостирма, қозонхоналардан иборат 2 қаватли яшаш уйи қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 540 365 562 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 6 май куни соат 12:00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2016 йил 4 май куни соат 18:00.

Кўчмас мулк 2016 йил 6 май куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолари 2016 йилнинг 23 май, 8, 24 июнь ва 11 июль кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдолар учун аризалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йилнинг 23 майгаси савдо учун 20 май куни, 8 июндаги савдо учун 6 июнь куни, 24 июндаги савдо учун 22 июнь куни, 11 июлдаги савдо учун 8 июль куни соат 18:00.

Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

— юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси;

— жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда вакил қатнашган тақдирда расмийлаштирилган ишончнома, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси.

Савдо ғолибига 10 (ўн) банк иш куни ичида сотувчи билан нотариал тартибда олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулкнинг тўлиқ тўловини амалга ошириш муддати олди-сотди шартномаси тузилганда белгиланади.

Очиқ аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлар томонидан мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖнинг "Ипак йўли банки" АИТБ Сағбон филиалидаги 20208000904920609114, МФО:01036, СТИР:207122519 ҳ/рга савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Аукцион ўтказиладиган ва қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел/Факс: (0371) 228-80-23. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

"KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Олмазор туман СИБ томонидан 2016 йил 18 мартда юборилган КДА-3279/3-сонли хатига асосан "KO`CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Сағбон ва Кичик ҳалқа йўли кўчасида жойлашган Нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи биноси аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Олмазор туман СИБнинг 2016 йил 4 апрелдаги 3279/3-сонли хати.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: (0371) 228-80-26. Лицензия: RR-0001.

"ТОШКЕНТ ОҚШОМИ" ва "ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ"

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.



Муҳаммад Амин олган сурат

ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Халқаро спорт мусобақаларида истеъдодли ёшларимизнинг эришган ғалабалари шарафига мадҳиямиз янграб, байроғимиз кўтарилганда барчамизнинг қалбимизни фахр ва ифтихор туйғуси қамраб олади.

Ана шундай ёшлар сафини кенгайтириш мақсадида юртимизда болалар ва ўсмирлар спорти ривожига алоҳида аҳамият қаратилиб, турли спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Бу каби мусобақалар ёшларни оммавий тарзда спортга жалб этиш билан бирга уларни чиниқтиришга, тоблашга хизмат қилмоқда.

Яккасарой туманидаги "Қушбеги" болалар спорт мажмуасида ўсмир қизлар ва болалар ўртасида спорт рақси тури бўйича ва "Саховат спорт сервис" акциядорлик жамиятининг сув спорти саройида синхрон сузиш ва сувга сакраш турлари бўйича "Соғлом авлод учун" кубоги учун "Нафосат олами" шиори остида V Республика спорт фестивали бўлиб ўтди.

Спортсевар ёшлар ўртасида ўтказилган фестиваль мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса ўсмирларни спортга кўпроқ жалб қилиш мақсадида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия фонди, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда бир қатор бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Фестивалда 150 нафардан ортиқ 2005-2010 йилларда туғилган ўсмир ўғил-қизлар ўз тоифаларида кураш олиб боришди.

"Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга тадбиқ этиш, спортчи қизлар ўртасида спортнинг ушбу турларини мунтазам ташкил этиш орқали спорт билан шуғулланишга кенг жалб қилиш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш фестивалнинг бош мақсадига айланди.

Натижаларга кўра, спорт рақси бўйича жуфтлик ўйинларида Аида Валижонова, Даниил Бондаренко, Екатерина Рогова, Ҳожиисмоил Султонов, яккалик баҳсларида эса Ширин Мараимова, Комил Махумхонов, Зарина Ҳамроқулова 1-ўринга лойиқ топилди. Сувга сакраш бўйича Амир Яхшиев, Егор Мишинев, Ҳожи Фузаилов, Юлия Нуштоева, Ольга Морозова, Яна Амриева 1-ўринни қўлга киритди. Синхрон сузиш баҳсларида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси аъзолари биринчи ўринни эгаллади. Мусобақа ғолиб ва совриндорларига диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Таъкидлаш жоизки, ёшларни, айниқса қизларни жисмонан соғлом бўлиши, чиниқиши, умумий иш қобилиятининг ўсишида бу каби мусобақаларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Бир сўз билан айтганда келажакда халқаро майдонда диёримиз шарафини ҳимоя қилишга муносиб ҳисса қўшадиган ёшларимиз сафи янада кенгайишига хизмат қилади.

Зиёда РАСУЛОВА

Бокс бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг яна беш аъзоси XXXI ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмасига эга бўлди.

Олимпиада — 2016

ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИГА ЯНА БЕШТА ЙЎЛЛАНМА

Хитойнинг Куинан шаҳрида ўтказилаётган бокс бўйича Осиё-Океания Олимпия саралаш мусобақасининг ярим финал баҳслари якунига етди. Эркаклар ўртасида Ҳасанбой Дўсматов ва хотин-қизлар ўртасида Ёдгорой Мирзаева ўз вазн тоифасида финалга чиқиб, Олимпиада йўлланмасини қўлга киритгани ҳақида аввал хабар берган эдик.

Терма жамоамизнинг яна беш аъзоси ҳам ярим финал жангларида ғалаба қозониб, ҳал қилувчи баҳсда қатнашиш баробарида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик қиладиган XXXI ёзги Олимпиадага йўлланма олди.

Жумладан, вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида Шаҳобиддин Зоиров қирғизистонлик Азат Усеналиевга ҳеч қандай имконият қолдирмаган бўлса, 69 килограммгача оғирликдаги чарм қўлқоп усталари ўртасида Шаҳрам Фиёсов филиппинлик Сантос Марсиални мағлубиятга учратди.

Вазни 81 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида қатнашаётган тажрибали спортчимиз Элшод Расулов қирғизистонлик Эркин Адилбек улуни иккинчи раундда нокаутга учратиб, жангни муддатидан аввал ўз фойдасига ҳал қилди.

91 килограммгача вазн тоифасидаги чарм қўлқоп усталари баҳсида рингга кўтарилган Рустам Тўлаганов австралиялик Жайсон Вателей устидан ғалаба қозонган бўлса, энг оғир (+91 килограмм) вазн тоифасидаги боксчилар беллашувида қатнашаётган Баҳодир Жалолов эронлик Абдулмажид Сепаҳвандийни учинчи раундда техник нокаутга учратди.

Байрам АЙТМУРОДОВ, ЎзА мухбири

Мусобақалар

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Инсонларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ёнғин билан боғлиқ хавф-хатарнинг олдини олишда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ўрни беқиёсдир.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари ҳамжиҳатлик билан жасорат кўрсатиб, меҳнаткаш халқимиз ҳаётини, мол-мулкини, миллий бойлигимизни табиий офат, фалокат ва ёнғинлардан асраб, ўз хизмат бурчларини сидқидилдан адо этишаётир.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчиларини мазкур касбга қизиқтириш, ушбу йўналишда тарғибот-ташвиқот ишларини кенг кўламда олиб боришни таъминлаш, уларни ёнғин чоғида ҳаракат қила билиш кўникма ва маҳоратини мустаҳкамлаш мақсадида Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига қарашли спорт мажмуасида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Яккасарой туман Кенгаши, туман ички ишлар бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бўлими билан ҳамкорликда тумандаги ўрта махсус таълим муассасалари ўқувчи-ёшлари ўртасида "Ёш ўт ўчирувчи" спорт мусобақаси ташкил этилди.

Илк бор ташкил этилган мусобақа низомига кўра назарий ва амалий шартлар орқали иштирокчилар беллашдилар. Назарий шартида махсус ИИБ ЁХБ томонидан тузилган саволларга жавоб бериш, амалий шартида эса 3 хил кўринишдаги жисмоний машқларни бажаришдан иборат бўлди.

Жамоаларнинг кескин беллашувларидан сўнг ғолиблар аниқланди. Натижаларга кўра Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти қошидаги 1-сонли академик лицейнинг "Тўқимачи" жамоаси биринчиликни қўлга киритди.

Тадбир сўнгида мусобақа иштирокчилари эсдалик совғалари билан тақдирланди ва ғолиб жамоа шаҳар босқичида иштирок этиш йўлланмасига эга бўлди.

Зарина РУСТАМОВА

ШАХМАТ САНЪАТИ ТАРИХИДАН

XI-XII асрларда яшаган Абдулфатҳ Аҳмад кучли шахмат ўйинлари ва билимдонлиги билан олимлар ва шахмат тарихчиларини ҳайратлантирган. Фахр билан айтиш мумкинки, Абдулфатҳ Аҳмаднинг шахмат ҳақидаги китобини ўзбекистонлик олимлардан З.Хўжаев, Ф.Дюмеллар атрофлича ўрганиб чиқиб, уни дунёга кенг тарқалишида муносиб ҳисса қўшган.

XIII-XVI асрларда шахмат санъати яна ривож топа бошлаган. Амир Темур саройида яшаган Али Шатранжий тенги йўқ амалий-ўйинчи ва зўр назарийётчи ҳам бўлган. Ибн Арабшоҳ 1389 йилнинг 5 ноябрида Дамашқда таваллуд топган. Амир Темур Шомни истило қилган 1401 йили дамашқлик олимлар, меъморлар, косиблар билан бирга уни ҳам Самарқандга олиб келади. У Темурнинг ҳимоясида шу ерда ўқиб олим бўлди, кўп ўлка ва мамлакатларга саёҳат қилиб, мактаб ва мадрасаларда билимини янада мустаҳкамлади. Амир Темур вафотидан кейин 1408 йили олим Самарқанддан кетиб Олтин Ўрда, Туркия, Арабистонда бўлди ва 1436 йили Мисрга келиб умрининг охиригача (1450 йил, 25 август) ўша ерда истиқомат қилди. Ибн Арабшоҳнинг "Амир Темур тарихидан" (1436 йил) китобида Амир Темур ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятидан баҳс юритувчи тарихий маълумотларга бой фактлар келтирилган.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича: — Темур ўз фикрини мустаҳкамлаш мақсадида муттасил 110 катакли шахмат тахтасида шатранж ўйнарди. Бу шатранж тахтасининг эни ўн бир хона, бўйи ўн хонадан иборат эди. Амир Темурнинг шахмат ўйнаши ақл-фаросат билан давлат бошқаришда, ҳарбий ишларни тадбиркорлик билан юритишда, жанг маҳалда кўп фойда берарди. Масалан, жанг маҳалида қачон пиёдаларни, қачон сипоҳларни жангга тушириш кераклигини биларди. Амир Темур ўз салтанатига олимлардан Мавлоно Абдумаликни ҳам олиб келган. У "Ҳимоя" соҳиби (Бурҳониддин ал Марғиноний)нинг авлодидан бўлиб, мударрислик қилар, шатранж ва нард ўйинларидан таълим берар ҳамда шеър ҳам машқ этарди.

Темур саройида донишманд олимлар, ўқитувчи домлалар ва шахмат зиёлиларидан Муҳаммад ибн Ақил ал Хаймий ва Зайн-ал Яздий, уста лақабли ибн-ал Жалолиддин ва энг кучли шатранж устаси донишманд олим Аловиддин ат Табризийлар бор эди. У Зайн-ал Яздийга ортиқча пиёда бериб қўяр ва ғолиб чиқарди. Ибн Ақилни эса бир отсиз ўйнаб енгарди. Кунлардан бир куни Амир Темур Аловиддинга: "Гўё мен мулк сиёсатида ягона султонликни бошқармоқдаман. Сен ҳам шахмат оламида тенги йўқ шатранжчисан", — дейди.

Мен 30 йилдан ортиқроқ вақт ичида шахматга оид 500 дан ортиқ китоб йиғдим. Шулардан энг ноёби поляк журналисти Ежи Гишицкининг "Шахмат асрлар оша дунё бўйлаб кезади" деб номланган китобидир. У тарих маълумотларини йиғиб, синчиклаб ўрганиб, шу китобни ёзиш учун 10 йилдан ортиқ вақт сарфлаган.

Бу асар дунёга кенг тарқалди. Китобдан V асрдан тортиб, XX асргача шахмат ўйнаган давлат арбоблари, саркардалар, шоиру ёзувчилар, рассому кинорежиссёрлар, актёрлар ўрин олган. Айниқса, буюк соҳибқирон Амир Темур икки нарсанинг ашаддий мухлиси эканлигини "шатранж" ўйнаш ва "ов қилишни" яхши кўргани таъкидланган. Китоб 1958 йили Польша, кейинчалик Венгрияда, 1964 йили Москвада рус тилида чоп этилди ва таржима қилинди. Муаллифнинг ёзишича, "Амир Темур даврида шахмат ўйини санъати алоҳида ажралиб турган ва шатранжни яхши ўйнаганларни "Санъаткор донишманд" деб аташган.

Амир Темур 144 катакли шатранж тахтасида машқ қилишни яхши кўрган. Соҳибқирон ҳарбий юришларда қайси йўналиш қулай эканлигини билганлиги тўғрисида ҳам тўхталади. Муаллиф соҳибқирон бобомизнинг ҳаётидан тарихий муҳим бир лавҳани келтириб ўқувчини ўзига ром этади.

Кунлардан бир кун Амир Темур боғида шатранж ўйнаб, чиройли юриш қилиб рақибига оти билан шоҳ деб турганда, навкарлардан бири хушхабар билан киради ва саркардага ўғил кўрганини айтади. Шунда соҳибқирон Темур ўғлига Шоҳруҳ дея исм қўяди ва хурсандчилигидан шаҳарда ариқ тозалаш, теварак-атрофни тартибга келтириш, чала қолиб кетган иморатларни тезда ниҳоясига етказиш ҳақида буйруқ беради. Шунингдек, Темур Шоҳруҳия шаҳрига кўпгина ўқитувчи, донишмандларни таклиф этиб, ёшларга шахмат санъати ўйинини ўргатишга топшириқ беради.

Анвар ИНОҚОВ, Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси, шахмат бўйича спорт усталигига номзод, санъатшунос

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, "Respublika mulk markazi" AJ "Poytaxt filiali" бошланғич нарх босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат улушлари такроран қўйилади.

1. Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Якубов кўчаси, 50-уй манзилида жойлашган қўшма корхона шаклидаги "STROYSERVICE" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 21,04 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи – 18 350 000 000 сўм.

Балансда сақловчи: қўшма корхона шаклидаги "STROYSERVICE" МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: ишлаб чиқариш.

2. Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, Марказ-4, 7/8-уй манзилида жойлашган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "Ipak Yo'li-Turizm Invest" қўшма корхонаси устав фондидаги 39,0 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи – 35 971 041 000 сўм.

Балансда сақловчи: масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "Ipak Yo'li-Turizm Invest" қўшма корхонаси.

Фаолияти ихтисоси: хизмат кўрсатиш.

3. Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Келес йўли кўчаси, 69-уй манзилида жойлашган "Xasanboy Ota Non" масъулияти чекланган жамиятининг устав фондидаги 12,94 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи – 265 764 900 сўм.

Балансда сақловчи: "Xasanboy Ota Non" МЧЖ.

Фаолияти ихтисоси: ишлаб чиқариш.

4. Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, А.Навоий кўчаси, 30-уй манзилида жойлашган масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "GROTEKS" қўшма корхонасининг устав фондидаги 30,21 фоиз давлат улуши.

Бошланғич нархи – 1 886 945 048 сўм.

Балансда сақловчи: масъулияти чекланган жамияти шаклидаги "GROTEKS" қўшма корхонаси.

Фаолияти ихтисоси: полиграфик хизмат кўрсатиш.

Савдо ташкилотчиси: "Respublika mulk markazi" AJ "Poytaxt filiali", Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй. Телефон: (0-371) 236-38-28. веб-сайт: www.rmm.uz. электрон почта манзили: user01@inbox.uz. Гувоҳнома: 001580.

Аукцион савдоси 2016 йил 20 апрель куни, соат 15:00 да ўтказилади.

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолар 2016 йил 5, 23 май, 7 июнь, 6, 22 июль кунлари соат 15:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси ("Respublika mulk markazi" AJ "Poytaxt filiali")нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги х/р: 20210000500571452141, МФО: 01036, СТИР: 200933850. ОКОНХ: 83300.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун – паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истиқбол кўчаси, 34-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (0-371) 236-38-28. Факс: (0-371) 236-38-28.

Электрон почта: user01@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.rmm.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **6 апрель** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан шарққа томон секундига 5-10 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 5-7, кундузи — 15-17 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **6 апрелда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг сақланиб қолишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9227

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 455

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 10372 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

Босишга топширилди: 15.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ